

PSYCHOLOGICAL PRINCIPLES OF DIFFERENTIAL APPROACH IN THE PSYCHOLOGICAL ANALYSIS OF PROFESSIONAL ACTIVITY

Usmanova Shoira Dzhumabekovna ps. f. n.

Associate Professor, Department of Pedagogy and General Psychology, National University of Uzbekistan

Resume: The content of this article is devoted to highlighting the psychological principles of the differential approach in the psychological analysis of professional activity. Particular attention is paid to such issues as professiogram, analysis of the profession, a differentiated approach to professional activity, psychological aspects of professional activity.

Key words: professiogram, professional activity, object of labor, object of labor, logical thinking, description of professions, professional consulting.

КАСБИЙ ФАОЛИЯТ ПСИХОЛОГИК ТАХЛИЛИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Усманова Шоира Джумабековна пс. ф. н.

ЎзМУ Педагогика ва умумий психология кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақола мазмуни касбий фаолият психологик таҳлилида дифференциал ёндашувнинг психологик тамойилларини ёритишга бағишиланади. Профессиограмма, касблар таҳлили, касбий фаолиятга дифференциал ёндашув, касбий фаолиятнинг психологик жиҳатлари каби масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: профессиограмма, касбий фаолият, меҳнат субъекти, меҳнат предмети, мантиқий тафаккур, касблар тасвири, касбий консультация

Аннотация: Содержание данной статьи посвящено освещению психологических принципов дифференциального подхода в психологическом анализе профессиональной деятельности. Особое внимание уделяется таким вопросам, как профессиограмма, анализ профессии, дифференцированный подход к профессиональной деятельности, психологические аспекты профессиональной деятельности.

Ключевые слова: профессиограмма, профессиональная деятельность, предмет труда, предмет труда, логическое мышление, описание профессий, профессиональное консультирование.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021-йилнинг 20 августида тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан очиқ мулоқот ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Мазкур тадбирдаги маъruzada ёшлар учун дастуриламал бўладиган илғор фикрлар илгари сурилди.

Албатта, ушбу маъruzada Янги Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли ишлар ва истиқболдаги долзарб вазифалар акс эттирилган. Зеро инсониятнинг энг буюк гояларидан бири - шахснинг эркинлиги ва унинг интеллектуал салоҳиятли бўлиши гояси ҳисобланади. Зотан, эркин шахс, эркин халқ, яратувчаник, фаровонлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик ишларига, илму-фандага, маданиятда ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнида фаол ҳаракат қилишга ҳамда кўзланган мақсадларга эришишга қодирдир.

Хозирги даврда жамият тараққиётида юз бераётган кескин ўзгаришлар мутахассислар олдига сифат жиҳатидан янги ва нисбатан мураккаб бўлган вазифаларни қўяди. Бунда касбий фаолият сифати ва профессиограмма талабларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Профессиограмма – деганда касблар ва уларнинг бир-биридан фарқланувчи ихтисослар томонидан инсон олдига қўйиладиган талабларни баён қилиш мажмуаси тушунилади. 1920 йилларнинг иккинчи ярмида рус психотехниклари тез суратларда касбий фаолиятнинг тамойил ва усулларини ишлаб чиқдилар. Шу тадқиқотларни умумлаштириши натижасида психотехникада маҳсус ёндошув профессиограммани шаклланишига олиб келди. Бу ёндашувнинг моҳияти – “касблар тасвири” умуман олганда профессиограммани ўрганиш, касбнинг психологик тавсифи ва лойиҳалаштиришини ўз ичига олади. Профессиограммада маълум меҳнат жараёнини ташкил этувчи обьектлар белгилари, меҳнат субъекти, меҳнат предмети вазифлари, воситалари ва шароитлари ўрганилади. Профессиограмманинг асосий тамойилларидан бири касбий фаолиятни ўрганишда дифференциал ёндашув тамойили ҳисобланади. Бу тамойилнинг моҳияти профессиограмманинг аниқ амалий масалаларини эчишга бўйсунишидир. Масалан, касбий консультация ва касбий танлов учун шундай касбий муҳим белгиларни ажратиш керакки, улар синовдагиларнинг касбий лаёқатига кўра фарқланиши лозим. Малака даражасини аниқлаш учун меҳнат вазифалари, касбий билим, малака, кўникма тавсифи муҳим аҳамиятга эга. Касбий толикишини ўрганиш учун шундай белгилардан фойдаланилди, улар ёрдамида касбий толикишнинг келтириб чиқарадиган омилларини аниқлайди. Шундай қилиб, професиографиянинг дифференциал тамойили касбнинг ўрганиш усулларини унинг тавсиф, мазмuni, шунингдек, қўлланилиш соҳаси яъни профессиограмма ўтказиш хусусиятлари унинг мақсадлари билан белгиланади.

Ходим касбий фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини кўриб чиқиши ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб ва серкирралигидан далолат беради. Касбий фаолият ходимга кўплаб турли хил талаблар қўяди, улар орасида энг муҳимларидан бири шахсда касбий муҳим хислатларнинг ривожланганлик даражаси бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: ходим шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналғанлиги; ходимнинг психологик тайёргарлиги; ривожланган иродавий хислатлар; ноодатий вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик; яхши ривожланган коммуникативлик; турли тоифадаги шахслар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўrnата олиш ва сирсақлай олиш; турли тезкор хизмат вазифаларини бажаришда одамларга психологик таъсири кўрсата олиш қобилияти; ролга, бошқа қиёфага кира олиш; ривожланган, касбий жиҳатдан муҳим билиш хислатлари: кузатувчанлик ва дикқатлилик, ривожланган хотира, ижодий тасаввур; ривожланган мантиқий тафаккур, мураккаб ақлий ишга мойиллик, фаросат, ривожланган интуиция; зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш.

Ушбу хислатлар инсонга аввалдан хос эмас. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш давомли ва қийин жараён, аммо у ходимларнинг касбий шаклланиши учун зарур ва шартdir.

Ушбу хислатларнинг ходим шахсида бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги унинг ўз функционал вазифаларини тўғри ва аниқ бажаришига халақит беради, шахснинг ўз касбига мослаша олмаслиги ва касбий бузилишига олиб келади. Шу боис ҳам ходимларда ушбу хислатларни шакллантиришга хизмат қиладиган касбий-психологик тайёргарлик катта аҳамият касб этади.

Касбий фаолият – бу ижтимоий муҳим фаолият бўлиб, уни бажариш маҳсус билимлар, кўникма ва малакалар, шунингдек, шахснинг касбий шартланган сифатларини талаб этади. Касбий фаолият – бу меҳнат фаолиятидир[5. б.128]

Ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини оширишда шахсий хислатларига алоҳида талаблар қўйилади. Ушбу фаолият ходимларда ҳиссий-иродавий барқарорликни ривожлантириш, зўриқишини вужудга келтирувчи омиллар таъсирига қарши психологик тайёргарликни шакллантиришни талаб этади. Ходимнинг психологик жиҳатдан касбий

фаолиятга йўналтирилганлиги ва ҳис-туйғулари (ўзи ишлаётган вазиятларни психологик жиҳатларини ва кишиларни тушунишга интилиши, қизиқишилари ва уларни тушуна олиши).

Ходимнинг касб маҳоратини оширишда унинг психологик билимларга эгалиги муҳим аҳамиятга эга. Илмий далиллар ва мавжуд ижобий тажриба профессионал таълим тизимига психологик тайёргарликни мақсадга йўналган тарзда ошириб боришнинг маҳсус вазифалари, шакл ва усуllibарини киритиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ходимларнинг касбий фаолияти самарадорлигини ошириш ва касбий қобилият ҳамда маҳоратини ривожлантиришда улар маълум бир касбий йўналишга эга бўйлоғи лозим.

Ходимлар касбий маҳорати мазмунига қўйидагиларни киритиш мумкин: касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакл-лантириш ва ривожлантириш; ҳамкаслар билан психологик алоқа ўрнатиш кўникмаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш; оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга киришиш кўникмаларини шакллантириш; фуқаролар билан мулоқотга киришнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишнинг психологик усуllibарини қўллаш маҳоратини такомиллаштириш; оғир вазиятларида ўзини тута билиш, психологик барқарорликни шакллантириш; шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини тутиш ва бошқариш усуllibарини ўргатиш; иродавий фооллик ва иродавий харакат кўникмаларини шакллантириш; ишдаги руҳий зўрикишиларга тайёр туриш.

Касбий шаклланиш жараёнида касбий таназзул ҳолатлари кузатилади. Бу эса унинг харакатлари орқали касб фаолияти ва атроф-муҳитидаги муносабатларда ифода бўлишни бошлайди. Бу холат жамоалар шахсларапо муносабатларида ҳам юз бериши мумкин. Масалан, спиртли ичимликларга ружу қўйиш ҳолати шу гурухда меҳнат интизомининг сустлигига далил бўла олади.

Касбий таназзулнинг хавфли томони шундаки, у «латент», яъни яширин тарзда кечади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ҳолатларда ходимнинг маст тарзда хизматга чиқишини, аввало, раҳбарларнинг ўzlари (ўzlарига гап тегмаслиги учун) яширадилар. Ходимлар психологик, психотерапевтлик ёрдамини психиатрия хизмати билан адаштирадилар ва бу ўз ўрнида психодиагностика ишларини қийинлаштиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қўйидаги тавсияларни беришимиз мумкин. Ходимлар касбий бузилишларининг олдини олишда асосан қўйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни қўллаш тавсия этилади. Профессионал фаолиятни ташкил этиш соҳасида:

- ҳар бир ходимни танлаш ва ишга тайинлашда қизиқишиларни инобатга олиш;
- ходимларга аниқ вазифалар, топшириқлар бериш, уларнинг бажарилиши учун барча чора-тадбирларни кўриш;
- ходимларга ҳамкаслар билан муомала қилиш маданиятини, руҳий алоқа ўрнатиш маҳоратини ўргатиш;
- хизмат вазифасини бажаришда ишга ижодий ёндашувчи, чигал масалаларнинг ечимини тезликда топувчи, муаммоларни ҳал қилишда илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланувчи ходимларни тақдирлаш, иззат-хурматини жойига қўйиш;
- қўл остидагиларни ўз ишини ўзи таҳлил қилишга, ўзини ўзи назорат қилишга ўргатиш;
- ходимларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишлари учун, оиласининг тинчлиги, ҳаётининг сермазмун бўлиши учун ғамхўрлик қилиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ижтимоий муносабатлар жараёнида психологик қонуниятларга бўйсуниш юксак онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, яъни ўз фаолияти учун жамият олдида жавобгарлик туйғуси билан узвий бўлиб, фаолият самарадорлиги манбаи деб аташ мумкин.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -2046.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. -306 б.
3. G.A. Abdullayeva O'quvchilarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasini baholashning ayrim masalalari-Academic research in educational sciences, 2021
4. Зеер Э.Ф. Психология профессионального развития: учебное пособие. - М.: Академия, 2009. - 240 с.
5. Фозиев Э.Ф. Талабаларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. Ўкув қўлланма - Т.:Ўқитувчи, 1983.
6. Фозиев Э.Ф. Социал психология. Ўкув қўлланма -Т.:Ўқитувчи, 2010 йил. 126 б.
7. Ш.Э. Хамрокулова Профессиональная направление учеников на уроках географии - ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО, 2020